

# 8-МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2012 йил, 2 март ● № 9 (874)


*Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.*

Ислом КАРИМОВ.

## Ҳурматли аёллар!

Халқимиз саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилаётган, инсонлар қалбига яшаш қувончини улашаётган, сабр-тоқатли мунис онахонлар ва дилбар опа-сингилларимизни нафосат ва гўзаллик байрами 8-март билан самимий қутлаймиз.

Аёл борки, ҳаётимиз мазмунли, у тебратаётган бешик оила қувончи бўлса, раҳбарлик қилаётган жамоа эса файзли. Зеро, аёлни эъзозлаш, қадрлаш ва унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос азалий одатдир.

Азиз оналаримиз, мунис опа-сингилларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган машаққатли меҳнатлари ҳурмат-эътиборимизда экан, уларнинг масъулиятли ва шарафли ишлари доимо давлатимиз ғамхўрлигида бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, улар меҳнатини эъзозламоғимиз, қадрига етмоғимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча хотин-қизларимизни баҳор ҳамда 8-март – Халқаро хотин-қизлар куни билан яна бир бор муборакбод этамиз. Ушбу қутлуғ кунда аёлларимизга баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

## ҲАЁТНИНГ КЎЗГУСИ ЎЗИНГ

*Дунёнинг кўзгуси, тиргаги – аёл,*
*Заминнинг қудрати, билаги – аёл,*
*Ҳаётнинг томири, юраги аёл,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

*Гўдаклар тинчлиги, алласи – аёл,*
*Замин боқийлиги, ялласи – аёл,*
*Ҳаёт тарозусин палласи – аёл,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

*Тил бўлиб муроса яратган аёл,*
*Измига барчани қаратган аёл,*
*Борлиққа таъсирин таратган аёл,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

*Меҳрнинг меҳроби, эгаси – аёл,*
*Гўзаллик тилсимин бекаси – аёл,*
*Нафосат соҳиби, меваси – аёл,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*

*Жамоат жамланар аёл сабабли,*
*Қаноат жамланар аёл сабабли,*
*Матонат жамланар аёл сабабли,*
*Аёл бор эканки, бордир келажак.*



**Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,**
**Биттадир дунёда Она деган ном.**



*Ўсиб келаётган янги авлодни ким Она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қилади, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб вояга етказади?*
*Бу – онадир, бу – улуғ зотдир.*

**Баҳор байрамингиз муборак бўлсин!**

Эътироф

# ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ – ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ



***Мана, юртимизга баҳор фасли ҳам кириб келди. Бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб келаётган баҳор, 8-март – Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Наврўзи оламнинг қалбимизга қувонч бахш этишини бир сўз билан изоҳлаш қийин. Чунки уларнинг таърифига сўз бойлигимиз ожизлик қилади. Фахрланарлиси шундаки, баҳор фаслини аёл гўзаллиги ва унинг мафтункорлигига қиёслашади. Шундай экан, кириб келаётган 8-март – Халқаро хотин-қизлар куни юртимизнинг барча аёлларига доимий нафосат бахш этишини истайман. Эътирофлиси шундаки, бугун қайси бир соҳага қарамайлик, у ерда аёлнинг жамият ва оиладаги ўрни беқиёс эканлигининг гувоҳи бўламиз. Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимидаги оналик ва болаликни муҳофаза қилишда кўплаб хотин-қизларимиз меҳнат қилаётганликларини ҳурмат билан тилга оламан. Айниқса, миллатимиз келажаги бўлмиш фарзандларимиз соғлом дунёга келишида уларнинг меҳнати нечоғлиқ шарафли ва масъулиятли эканлигига тан бермай иложинг йўқ. Истиқлол йилларида тизимдаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларнинг изчиллик билан олиб борилганлиги бугунги кунда ўзининг самарали натижаларини бераётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.***

Зеро, "Мамлакатимизда умумэътироф этилган шиор "Соғлом она – соғлом бола" тамойили ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди", деган эдилар ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг умумий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда сўзлаган нутқларида.

Ҳар қанча фахр билан тилга олсак арзийдики, давлатимизнинг сиёсий устувор йўналишларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънавий етук бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилди. Оналар ва болаларга ихтисослашган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилиб, улар замон талаблари даражасида янги технологиялар ҳамда зарурий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, Республика скрининг маркази ва унинг вилоят филиалларининг ташкил этилиши мамлакатимиз миқёсида наслий ва туғма касалликларнинг олдини олиш мақсадида тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши самарали натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилдаги ПҚ-1096-сон ва ПҚ-1144-сон қарорлари ижроси бўйича 2009 йил июнь ойидан ҳозирги вақтгача "Фертил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш" ҳафталиклари доирасида тиббиёт олий ўқув юртлари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли тиббиёт муассасалари малакали мутахассислари томонидан республиканинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ врачлик пунктларида туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ҳамда болалар йилига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари олиб борилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлда қабул қилинган "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан умумий қувватлантирувчи махсус поливитаминлар харидии учун давлат бюджетидан 8 миллиард сўм ажратилди. Шу тариқа Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун уларни поливитаминлар билан таъминлашга эришди.

Алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлашим муҳимки, 2011 йилдаги асосий муваффақиятларимиздан яна бири 25-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида халқаро симпозиум ўтказилиши Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида яна бир бора нуфузли ўрин олганлиги, шунингдек, дунёнинг таниқли олимлари томонидан Ўзбекистон тиббиёти эътироф этилганлиги фикримиз далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Буюк Британиянинг "Save the Children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилиб, 161 та давлат ичида 9-ўринни эгаллаганлиги ҳам ислоҳот жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётганлигини ифодалаб турибди. Юртбошимиз 2010 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этиб, мамлакатимизда оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баробарга камайганлигини таъкидлаб ўтдилар.



Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олиш бўйича фаолиятлар изчиллик билан олиб борилиб, самарали натижаларга эришилмоқда.

Салмоқли фаолиятлардан яна бири эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликлари рўйхатга олинмаганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Шу боис, Ўзбекистон полиомиелит вирусидан ҳоли ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди. 2010 ва 2011 йилнинг ярим йили давомида полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилди.

Юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириб, самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1144-сонли қарори бўйича туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ҳомиладорларга малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар, ҳамда соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш ҳамда бунинг баробарида тиббиёт ходимларини узлуксиз таълим жараёнларида ўқитиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Таъкидлашим муҳимки, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятининг 2010 йил якунлари ва жамғарманинг 2011 йилги асосий вазифалари" бўйича 2011 йил 25 февралдаги баёнини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи ишлаб чиқилиб, унда республика ҳудудларида спорт ва жисмоний тарбиянинг болалар саломатлиги ва ривожланишига таъсирини баҳолаш, мониторинг олиб бориш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди ҳамда ижобий натижаларга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Андижон, Бухоро, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш орқали мактаб ёшидаги болалар, айниқса, қизларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича самарали ишлар олиб борилди. Бунинг баробарида кенг жамоатчилик билан республика семинарлари ўтказилди. Вазирлигимиз томонидан «Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий асослари» (15 минг нусхада) ҳамда «Медицинские основы физического воспитания и спорта в формировании гармонично развитого поколения» номли (5 минг нусхада) қўлланма ишлаб чиқилди ва чоп этилиб, белгиланган муассасаларга етказилди. Шунингдек, жорий йилнинг 10 февраль куни Оқсаройда Юртбошимиз раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда кўриб ўтилган асосий масалалар юзасидан вазирлигимиз томонидан махсус режалар ишлаб чиқилиб, бу борадаги фаолиятларни янада изчиллик билан давом эттирамиз.

**Ҳар бир йилимиз бир-бирига узвий боғланиб келаётганлиги тиббиёт ходимлари олдига катта масъулият юкламоқда. Бу йилимизнинг Мустаҳкам оила йили деб номланиши ҳам фаолиятларимизни уйғун даражада олиб боришимизга катта имкон яратади. Биринчи навбатда соғлом онадан – соғлом фарзандларни дунёга келтириш асосий мақсадимиз бўлса, уларнинг оиладаги жипслиги, яъни мустаҳкам оилани яратиш муҳим вазифамизга айланганлигидан фахрланаман. Чунки жамият тараққиёти равнақ топишида, аввало, мустаҳкам оиланинг ўрни асосий омил ҳисобланади. Шундай экан, аёлларимизни асрайлик.**

**Дилором АҲМЕДОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи.**

Эътибор

# МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

***Бугунги кунда ҳар қандай жамиятнинг асосий кўзгуси хотин-қизлар эканлиги шубҳасиздир. Халқимиз орасида "Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратади", деган нақл бежиз вужудга келмаган. Буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан маълумки, ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элимиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган машҳур, жасур ва доно фарзандларни дунёга келтиришган.***

Дунёда икки муқаддас нарса бор – у ҳам бўлса, Она ва Ватан. Бизга нақадар азиз ҳамда қадрли бўлган ана шу иккала сўз аслида ягона маънони, яъни Онани англатади. Қалбимиз тўридан мустаҳкам ва муносиб жой эгаллаган ушбу сўзларнинг ўхшашлиги тасодифий ҳол эмас, дунёда онадан-да эъзозли ва эҳтиромга лойиқ инсон, Ватандан азиз ва қимматли замин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Хотин-қизларга, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга давлатимиз, қолаверса, шахсан Юртбошимиз томонидан жиддий эътибор ва имконият яратилаётганлигининг боиси ҳам аёлнинг, энг аввало, келажагимиз давомчилари, зурриётларимиз, эртанги кунда бизнинг тақдиримизни ишониб топширадиган фарзандларимиз бунёдкорлари ҳамда тарбиячилари эканлигига алоҳида урғу беришдан иборатдир, деб биламан.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан оилалар чироғи бўлмиш хотин-қизлар масаласи, оила институти янада юксакроқ аҳамият касб этаётганлиги изоҳга муҳтож эмас.

Яқингинада матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида марказий звенони яна ўша оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга бўлган эътибор эгаллаганлиги таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида эътироф этилган "Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойили бугунги замон зайлига жуда мос бўлиб, мустақил давлатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жуда муҳим ва ўта долзарб ҳисобланади.

Шундай экан, соғлом фарзандларни дунёга келтириш учун аввалambор, она соғлом, ҳар томонлама етук, оиласи мустаҳкам, меҳнатсевар ва ватанпарвар бўлиши, ўзи яшаб турган жамиятда кечаётган воқеаҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, фидойилик билан яшаши, энг муҳими мустақил ҳаётий позицияга эга бўлиши тақозо этилади.

**Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларидан бошлаб:**

*– оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш;*

*– юртимиз аёлларининг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, уларнинг давлат бошқаруви, қарорлар қабул қилиш ҳамда жамият тараққиётидаги фаол иштирокини таъминлаш;*

*– хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уни турли жабҳаларда намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиш;*

*– аёлларнинг бирортаси ҳам беэътибор қолмаслиги учун жамиятда тегишли шарт-шароит яратиш;*

*– қишлоқда истиқомат қилаётган аёлларимизнинг уйрўзғор, бола-чақа билан боғлиқ бўлган юмушлари, фарзандлар тарбияси, оиласидан узоқлашмаган ҳолда оила даромадини кўпайтиришига ўз улушини қўшиши, уйда туриб меҳнат билан банд бўлишини таъминлаш учун имконият яратиб бериш, уларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш;*

*– оилалардаги муаммоларни ҳал этиш, оналарнинг фарзандлар тарбияси ва парвариши борасидаги ташвишларини камайтириш, айниқса, қишлоқ аёлларининг меҳнатини енгиллаштиришга эришиш, қишлоқларда замонавий инфратузилмани барпо этиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш;*

*– хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ҳар қандай камситилишларининг олдини олиш каби масалалар юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.*



Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсати йўналишида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ичида хотин-қизлар, она-бола муаммоларига қаратилган эътибор марказий звенони эгаллаб келмоқда. Бунда асосий урғу – соғлом она – соғлом бола, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги, фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, оммавий, аёллар, оилавий спорт, таълим, иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, жамият тараққиётидаги иштирокини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабиларга берилмоқда.

Аёл қадрини қанчалик кўтаришга муяссар бўлсак, миллий ғуруримиз, маънавият ва маданиятимиз янада юксалиши, оилаларимиз барқарорлиги таъминланиши, ҳалол ва пок, фидойи, ватанпарвар, жамиятга фойда келтирувчи, миллатимизни бутун жаҳонда кўз-кўз қилдиргувчи фарзандларимиз сони кундан-кунга кўпая бориши табиий ҳолдир.

**Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши чин ҳақиқатдир ва биз қураётган жамиятнинг оғир юкини дадил кўтариб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч – жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар эканлигини унутмаслигимиз керак.**

**Зухра БОТИРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАНГ, АЁЛНИ АСРАНГ



***Аёл – табиатнинг буюк мўъжизаси. Аёл – оила чароғбони, фарзандларимизнинг меҳрибони, фаровон, гўзал ҳаётимиз гарови, хонадонимиз файзидир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида оила масаласига ҳам катта эътибор берила бошланди. Натижада, аёл қадр-қимматини янада кўтариш, оила фаровонлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов аёлларни ниҳоятда улуғлаш ва эъзозлашга чақириб шундай дейди: "Аёл аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим".***

Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1998 йил – "Оила йили", 1999 йил – "Аёллар йили", 2000 йил – "Соғлом авлод йили", 2001 йил – "Она ва бола йили", 2012 йил – "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши бу борадаги олиб борилаётган ишларнинг эътирофи деб тушунмоғимиз лозим. Мамлакатимизда аёлларга бўлган ҳурмат ва эътибор боис, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ташкил қилинди. Ҳозирги кунга қадар республикамизнинг 180 дан зиёд қизлари бу юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Фахрланарлиси шундаки, аёлларимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий жабҳаларда эркаклар билан тенг фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Республикамизнинг қайси бир соҳасига қарамайлик, барчасида аёллар фаол меҳнат қилиб, тадбиркорлик, касаначилик ҳамда бошқа соҳаларда ҳам юрт тинчлиги, фаровонлиги ва равнақи йўлида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республикамизда фаолият кўрсатиб келаётган Саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг жойлардаги филиаллари, даволаш-муҳофазалаш муассасалари врачлари ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатлик, эрта никоҳланишнинг салбий оқибатлари, қариндошга қиз бермаслик, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли ишларни олиб бормоқдалар.

Бу тадбирлар оила, маҳалла, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, коллеж ва лицейлар, олийгоҳларда мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли кенг қатламига мўлжалланган тарқатма материаллар ҳам содда, тушунарли ўзбек ва рус тилларида чоп этилиб, тарқатилмоқда. Улардан ташқари, институтимиз ходимлари томонидан тайёрланган баннер усулида ёзилган саломатлик буклетлари шаҳримиз ва қишлоқлардаги барча даволаш муассасаларига тарқатилмоқда. Соғликни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан мана уч йилдан буён ҳар ойнинг 2-ҳафтаси саломатлик ҳафтаси деб эълон қилиниб, республикамиз нуфузли олийгоҳлари ўқитувчилари, илмий-амалий марказлар олимлари, юқори малакали мутахассислари жойларга чиқиб аёллар, ўсмир қизларни чуқур текширувлардан ўтказиб, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳомиладор аёлларимиз соғлом фарзандларни дунёга келтиришлари учун бепул витамин ва минерал моддаларни ўзида сақловчи дори-дармонлар билан таъминлаш ишлари фаоллик билан олиб борилмоқда.

2011 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" лойиҳаси доирасида ўтказилган халқаро симпозиум ҳам олиб борилаётган ишларнинг ёрқин мисоли бўла олади.

Мана, юртимизга ҳам фасллар келинчаги бўлган баҳор кириб келди. Биз аёллар бу фаслни орзиқиб кутамиз, чунки баҳор фасли бутун борлиқни гўзалликка буркайди. Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари бошланади, дошқозонларда сумалак, ҳалим пиширилиб, маҳалла аҳлига тарқатилади.

**Азиз онажонлар, мунис опа-сингиллар, Сизларни кириб келаётган гўзаллик, яшариш байрами 8-март билан қизғин табриклайман! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик, фаровонлик, тўкин-сочинлик, хотиржамлик тилаб, юртимиз обод, озод, фаровон гуллаб-яшнашига қўшаётган ишингизга муваффақиятлар тилайман.**

**Зулхумор МУТАЛОВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.**

# ПРИКАЗ

## МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

05.01.2012 года № 5 г. Ташкент

# О МЕРАХ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ БОРЬБЫ С ВИРУСНЫМИ ГЕПАТИТАМИ В РЕСПУБЛИКЕ

В Республике Узбекистан заболеваемость вирусными гепатитами имеет тенденцию динамического снижения. В 2010 году по сравнению с 1990 годом заболеваемость вирусными гепатитами снизилась в 8,2 раза и составила 107,7 против 882,0 на 100 тыс. населения. В 2010 г. по сравнению с 2009 годом заболеваемость вирусными гепатитами снизилась на 18,6%. На 1 больного желтушной формой приходится 10-15 безжелтушных, количество переболевших значительно больше, не редки случаи хронизации процесса после перенесенных вирусных гепатитов В, С и Д.

Благодаря улучшению материально-технической базы вирусологических лабораторий в республике с 1997 года определяются 5 видов вирусных гепатитов (А, В, С, Д и Е). С 2001 года внедрена в практику плановая иммунизация против вирусного гепатита В, что привело к резкому снижению заболеваемости ВГВ, особенно среди детского контингента республики. В практику внедряются современные методы диагностики и лечения больных. Однако, несмотря на это, мероприятия по борьбе с вирусными гепатитами нуждаются в дальнейшем совершенствовании, особенно в части раннего выявления больных, лабораторной дифференциальной диагностики, лечения больных острыми и хроническими формами гепатитов.

В связи с вышеизложенным, а также с учетом современных научных достижений мировой практики и в целях совершенствования борьбы с вирусными гепатитами в республике,

**Приказываю:**

1. Утвердить Инструкцию «Клиника, диагностика и лечение вирусных гепатитов (приложение № 1);

Инструкцию «Эпидемиология вирусных гепатитов, организация профилактических и противоэпидемических мероприятий (приложение № 2);

Инструкцию «Организация и проведение дезинфекционных мероприятий при вирусных гепатитах» (приложение № 3).

2. Министру здравоохранения Республики Каракалпакстан, начальникам областных управлений здравоохранения и Главного управления здравоохранения г.Ташкента:

– в 2-х месячный срок разработать Комплексный план по профилактике вирусных гепатитов на 2012-2015 гг. и внести для утверждения в Совет Министров Республики Каракалпакстан и в местные хокимияты;

– в Комплексном плане отразить ответственность руководителей лечебно-профилактических учреждений за организацию и проведение комплексных мероприятий по профилактике вирусных гепатитов, обратив особое внимание на обеспечение качественной лабораторной диагностики, полное выявление лиц с хроническими гепатитами, предупреждение внутрибольничного инфицирования;

– запретить использование метода РОПГА (реакция пассивной гемагглютинации) как устаревший метод диагностики вирусных гепатитов;

– обеспечить лечебно-профилактические учреждения (ЛПУ) необходимым количеством медицинского инвентаря, в т.ч. одноразового использования, оборудования, стерилизационной аппаратуры, дезинфицирующих средств, а также тест-систем для диагностики ВГ методом ИФА;

– взять под строгий контроль обоснованность назначений переливаний крови и ее препаратов и качество тестирования используемой для трансфузии крови и ее препаратов;

– не реже одного раза в год проводить полный охват обследованием на маркеры ВГВ и ВГС контингента лиц, относящихся к группе повышенного риска заражения, при необходимости – рекомендовать им вакцинацию против гепатита В;

– при отсутствии возможностей для проведения лабораторных исследований методом ИФА на маркеры гепатитов В и С разрешить проведение вышеуказанных исследований на платной основе в лабораториях, имеющих право на данный вид деятельности;

– обеспечить выполнение санитарно-гигиенического, противо-эпидемического и дезинфекционно-стерилизационного режима в лечебно-профилактических учреждениях в установленном порядке.

3. Главным государственным санитарным врачам Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента:

– усилить контроль за обеспечением населения доброкачественной питьевой водой, соблюдением санитарно-гигиенических норм и правил при реализации пищевых продуктов, выполнением санитарно-гигиенических и противоэпидемических мер в детских учебно-воспитательных учреждениях, лечебно-профилактических и других эпидемиологически значимых объектах в установленном порядке;

– обеспечить проведение санитарно-вирусологических исследований питьевой воды на антиген гепатита А и БОЕ фаги круглогодично, открытых водоемов в летне-осенний период;

– обеспечить контроль за иммунизацией детей против ВГВ согласно национального календаря профилактических прививок и действующего СанПиН № 0239-07;

– с 10 января 2012 г. во всех ЦГСЭН республики совершенствовать проведение эпидемиологического надзора за вирусными гепатитами В, С и Д;

– обеспечить полный учет, эпидемиологическое расследование, анализ заболеваемости острыми формами вирусных гепатитов;

– разрешить проведение диагностических лабораторных исследований методом ИФА на маркеры гепатитов В и С на договорной основе;

– обеспечить учет и анализ заболеваемости хроническими гепатитами, а также лиц с наличием маркеров (HBsAg, анти-HCV и др.) гепатитов В и С;

– проводить государственный санитарный надзор за соблюдением санитарно-гигиенического, противоэпидемического и дезинфекционно-стерилизационного режима в лечебно-профилактических учреждениях независимо от форм собственности в соответствии с действующими нормативными документами в установленном порядке;

4. Директору НИИ вирусологии (Э. И. Мусабаев):

– оказывать на постоянной основе практическую и консультативную помощь местным органам здравоохранения Республики Каракалпакстан, областей и г.Ташкента по вопросам профилактики, лабораторной диагностики, дифференциальной диагностики и лечения вирусных гепатитов;

– в месячный срок составить план проведения семинаров по контролю качества лабораторных исследований при вирусных гепатитах на базе референс-лаборатории НИИ вирусологии;

– ежегодно к 1 июля представлять прогноз заболеваемости вирусным гепатитом А по регионам республики в Министерство здравоохранения РУз;

– на базе референс-лаборатории НИИ вирусологии организовать работу по внедрению единой системы внешней оценки контроля качества лабораторных исследований на договорной основе.

5. Главному врачу Республиканского ЦГСЭН (Б. К. Умирзаков):

– оказывать организационно-методическую и практическую помощь местным органам здравоохранения по вопросам организации и проведения профилактических, санитарно-гигиенических и противоэпидемических мероприятий по борьбе с вирусными гепатитами;

– проводить ежемесячный анализ заболеваемости вирусным гепатитом В с изучением прививочного статуса и предполагаемых факторов передачи;

– осуществлять надзор за деятельностью региональных ЦГСЭН за качественным проведением расследований случаев внутрибольничного заражения парентеральных вирусных гепатитов;

– обеспечить регулярный контроль за реализацией Комплексного плана по профилактике вирусных гепатитов на 2012-2015 гг.

6. Директору НИИ гематологии и переливания крови (Х. Ё. Каримов):

– обеспечить оказание организационно-методической, практической помощи региональным центрам крови по вопросам профилактики посттрансфузионных гепатитов;

– усилить контроль за подготовкой и переподготовкой кадров региональных центров крови и систематически осуществлять анализ их деятельности.

7. Директору НИИ вирусологии (Э. И. Мусабаев), директору НИИ ЭМИЗ (М. Д. Ахмедова), главному врачу Республиканского ЦГСЭН (Б. К. Умирзаков):

– в течение месяца провести республиканский семинар по внедрению данного приказа для соответствующих представителей на всех административных территориях республики.

8. Начальникам главного управления организации лечебно-профилактической помощи (Д. Б. Миразимов), главного управления охраны материнства и детства (Д. И. Ахмедова):

– обеспечить контроль за полным клинико-лабораторным обследованием, соблюдением стандартов диагностики и лечения больных вирусными гепатитами, а также качественным проведением диспансеризации переболевших.

9. Директору Института здоровья и медицинской статистики (З. Д. Муталова):

– с учетом требований настоящего приказа пересмотреть план мероприятий по мерам профилактики вирусных гепатитов среди населения.

Считать утратившим силу приказ Минздрава РУз № 560 от 30 октября 2000 г. «О мерах по снижению заболеваемости вирусными гепатитами в республике».

Контроль за исполнением настоящего приказа возложить на Первого заместителя министра А. В. Алимова, заместителя министра, Главного государственного санитарного врача Республики Узбекистан С. С. Саидалиева и заместителя министра А. И. Камилова.

**Министр А. И. ИКРАМОВ.**

*(Приложение на веб-сайте www.uzssgzt.uz)*

*Дил изҳори*

# БАХТИМИЗГА ДОИМО ОМОН БЎЛИНГ

**Наманган шаҳри, Уйчи тумани, Амир Темур кўчаси, 7-хонадонда яшовчи Тошмуҳаммад Уразалиев** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамовга йўллаган мактубида Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Неъматжон Қирғизбоев, хирург Рустамжон Назаров, врач Маҳаммаджон Қурбонов ва Гавҳар аяларнинг ўз касбларига садқидилдан ёндошиб, ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини таъкидлаган.

Шунингдек, тиббиёт масканлари, даволаш муассасаларининг бугунги кун талабига жавоб берадиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланиши беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим омил бўлаётганлиги ҳамда кўплаб беморлар соғлигини тиклашда фидойи меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари хизматини мамнуният билан тилга олиб, барча соҳа мутахассислари ишларига омадлар ёр бўлишини истаб, бундан юқори муваффақиятларга эришишларига тилакдошлигини билдиради.

**Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидан меҳнат фахрийси Замира Мансурова** газетамизга мактуб йўллаб, Оҳангарон туман поликлиникасида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини баҳор байрами билан чин кўнгилдан қутлаб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдек масъул вазифада жонбозлик кўрсатаётганликлари алоҳида таъкидлаб, поликлиникада замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланганлиги туфайли беморлар дардига шифо топиб, оилаcи бағрига қайтишида муҳим омил бўлаётганлигини айтиб ўтган. Шунингдек, поликлиника мудираси Унсин Эргашева, шифокорлар Р. Абдувоҳидова, З. Акбердиева, М. Жамолхўжаева, М. Туропова, Ф. Комилова, «Бирлик» амбулатория мудираси Л. Нишонова ва лаборант М. Асқарова каби ўз касбининг чинакам жонкуярларини кириб келаётган 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этиб, оилаларига соғлик, тинчлик-хотиржамлик, хонадонларига қут-барака, дастурхонларига тўкин-сочинлик тилаб қолади.

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади*

# ФАОЛИЯТЛАРГА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ ЗАРУР

***Жорий йилнинг 28 февраль куни "Пойтахт" бизнес марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамкорлигида қўмитанинг "2010-2011 йил фаолият якунлари, 2012 йил устувор вазифалари: ҳисобот, таҳлил ва таклифлар" мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

шунингдек, вилоят, туман газета ва журналларнинг ходимлари ҳамда ёш журналистлар телемулоқот орқали мавзу доирасидаги саволлар билан мурожаат қилдилар. Айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари, фермер қўмита фаолиятига тааллуқли бўлган айрим газеталарда мавзу доирасидаги материалларга эътибор қаратилмаётганлигига алоҳида урғу берди. Шунингдек, ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси матбуот хиз-






Таъкидлаш муҳимки, навбатдаги парламент матбуот конференцияси онлайн тарзида олиб борилди. Унда Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар иштирок этдилар. Тадбирдан кўзланган мақсад, қўмита фаолияти орқали мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва қўмита томонидан аграр соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва режалар, таҳлиллар ҳамда навбатдаги устувор вазифалар тўғрисидаги маълумотлар тақдимоти ҳамда сайловчилар аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Мазкур тадбир аввалида қўмита фаолиятига оид махсус видеоролик тақдим этилди. Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Б. Алихонов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳот жараёнлари, ҳар бир соҳада эришилаётган ютуқлар, бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар хусусида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М. Тешабоев қўмитанинг 2010-2011 йиллардаги фаолияти бўйича ўз фикрларини баён этиб, мамлакатимизда аграр соҳага қаратилаётган эътибор, бу борада ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатлари ва амалий дастурлар ижроси, хусусан, аграр қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича парламент ва депутатлик ваколатлари доирасидаги аниқ мақсадли ҳамда изчил вазифалар самарали кечаётганлигини алоҳида эътироф этди.

Тадбир давомида юқорида келтирилган ҳудудлардаги депутатлар, ҳокимликлар, фермерлар томонидан депутатларга берилган савол ва таклифлар видеосеминар янада қизиқарли ўтишида ҳамда иштирокчилар чуқур маълумотларга эга бўлишида катта аҳамият касб этди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, ўтган давр мобайнида қўмита фаолияти оммавий ахборот воситалари орқали доимий ёритилиб, бу ўзининг ижобий самарасини берганлиги ҳам тадбир давомида таъкидлаб ўтилди. Бу борадаги ишлар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати раҳбари О. Ўсаров журналистларнинг қўмита фаолияти бўйича телерадиоканаллар ва босма оммавий ахборот воситаларида узлуксиз тарзда кўрсатув, эшиттириш ҳамда мақолалар ўз вақтида бериб борилганлигини алоҳида таъкидлаб, мати раҳбари Ш. Орипов ҳам аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтиришда оммавий ахборот воситалари ходимларининг алоҳида ўрни борлигини ва бугунги журналистларимиз изчиллик билан фаолият юритаётганлигини айтиб ўтди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан қатнашиб, асосий мавзулар сифатида Орол ва Оролбўйи ҳавзасидаги экологик ҳолатнинг аҳволи, бу борада қилинаётган амалий ишлар, қишлоқ хўжалигида селекцияни ривожлантириш жараёни, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллашнинг аҳамиятли жиҳатларига ҳам эътибор қаратдилар.

**Бундан ташқари, конференцияда чет давлатлардан кириб келаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда аграр соҳада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чучук сув захираларини асраб-авайлашга қаратилган таклифлар киритилди ва қўмита томонидан ижобий қабул қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб олинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

*Давра суҳбати*

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ АЁЛНИНГ ЎРНИ

***2012 йил 24 февраль куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Аёллар қаноти томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишлаб «Оила мустаҳкамлигини таъминлашда замонавий аёлнинг роли» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Ундан асосий мақсад оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, комил инсонни тарбиялаш, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда истиқболли вазифалар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топишдан иборат бўлди.***




Тадбирни Ўзбекистон «Адолат» СДП Аёллар қаноти Кенгаши раиси Зуҳра Ботирова кириш сўзи билан очиб, оила ва жамият таянчи бўлган аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг Ватанимиз тараққиётининг янги босқичидаги ўрни, шунингдек, бир қатор ечимини кутаётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова «Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш фуқаролик жамияти тараққиётининг зарур воситаси», Республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари лавозимини вақтинча бошқарувчи Ҳафиза Мамадалиева «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш – комил инсонни тарбиялашнинг муҳим омили», партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Зумрад Акрамходжаева «Юксак маънавий муҳит – соғлом ва мустаҳкам оила гарови» мавзуларида маъруза қилиб, аёлларимизнинг оила ва жамиятда тутган ўрни хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

Бунинг баробарида йиғилиш иштирокчилари она ва бола саломатлигини сақлаш, никоҳланувчи аёлларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказишда ва бу борада қилинаётган амалий ишлар, ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтдилар.

**Давра суҳбати сўнгида маърузачи ҳамда иштирокчилар томонидан билдирилган таклиф ва фикрлар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**Диёра БОЗОРОВА.**

*«Маънавият ва маърифат ойлиги»да*

## АҲАМИЯТЛИ АСАР

***Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган вилояти филиалида ґтказилган йиІилиш Президентимизнинг «¤збекистон мустаіилликка эришиш остонасида» номли китобини ґрганишга баІишланди.***

ЙиІилишда филиал кутубхоначиси М. Эргашева асарнинг мазмун-моµияти, ота-боболаримизнинг асрий орзуси, истиіололга эришилаётган дастлабки йиллардаги мураккаб вазиятлар хусусида ґз фикрларини билдириб, китобдан намуналар ґіиб берди.

Филиал директори И. Мусаева µар бир ходим мазкур асарни чуіур ґрганиб, жойларда ґтказилаётган тадбирлар ва аµоли ґртасида унда таъкидланган фикрларни тарІиб этиши лозимлигига алоµида тґхталди.

**ЙиІилишда барча туман саломатлик марказларида бґлиб ґтадиган «Маънавият соатлари»да китобни чуіур ґрганиш бґйича келишиб олинди.**

**Рустамали МАМАДАЛИЕВ.**

## Диққат, танлов!

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси расмий веб-сайтида ёшлар ўртасида «Парламентаризм билимдони» танлови эълон қилинди**

Танлов очиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этилиб, унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирок этиши мумкин. Танлов 2012 йилнинг 1 мартидан 1 декабрига қадар давом этади.

**Танловнинг мақсади** – ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитиш, улар орасида Конституция ғояларини кенг тарғиб қилиш, қонунларни қабул қилиш ва миллий парламентимиз фаолияти тўғрисидаги батафсил ҳамда ишончли ахборотларни олиш, шунингдек, ёш авлоднинг ҳуқуқий ҳамда сиёсий тафаккурини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш.

Парламент фаолиятини тўла қамраб олувчи ушбу танлов 40 турдан иборат бўлиб, ҳафтанинг ҳар душанба куни расмий веб-сайтнинг махсус қисмида 3 та савол-жавоб вариантлари билан эълон қилинади. Ҳар бир тўғри жавоб бир баллдан баҳоланади. Саволлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар фракцияларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолиятини ўрганишга бағишланган. Иштирокчиларнинг ҳафталик баллари йиғиндиси доимий равишда эълон қилиб борилади.

**Регламентга мувофиқ, танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.**

**Онлайн танловнинг бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, унда саволлар Қонунчилик палатасининг www.parliament.gov.uz расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва электрон тартибда ҳисоблаб чиқилади.**

**Танловда фаол иштирок этинг ва миллий парламентимизнинг моҳир билимдонига айланинг!**

*Мустаҳкам оила йили*

# ОИЛА МУҚАДДАС ДАРГОҲ

***Бугун репродуктив саломатлик тушунчаси кўпчиликка яхши таниш. Бу ибора ўзида инсоннинг авлодлар давомийлиги, жисмоний ва ижтимоий етуклигини ифода этади.***

Шундай экан, бизда бевосита қуйидагича савол туғилади: жамиятнинг асосий бўлаги ҳисобланган оила аталмиш муқаддас даргоҳда келажагимиз ворисларининг соғлом туғилиши, тўғри овқатланиши, умуман олганда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оиланинг ўрни қандай? Фарзандларни оилага тайёрлашда ота-онанинг асосий вазифалари нималардан иборат?

**Шу хусусда бизга Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган вилояти филиали директор ўринбосари Отабек Раҳимов қуйидагича жавоб берди:**

– Дарҳақиқат, инсоннинг саломат бўлиши, узоқ умр кўришида оила ва оилавий муносабатларнинг аҳамияти катта. Репродуктив саломатлик – инсоннинг насл қолдиришга тегишли бўлган ақлий, жисмоний ва ижтимоий етуклигидир. Ота-она фарзандларидаги фақатгина тартиб-интизом, ахлоқ-одоб масалаларинигина эмас, балки уларнинг жисмоний аҳволи, аёлга ҳурмат ва муносабат ҳамда муомала маданияти шаклланишини кузатиб, назорат қилиб, тушунтириб боришлари керак. Шунинг учун ҳам оилани тўғри ва оқилона ташкил қилиш киши саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамиздаги мутахассислар оила қуришнинг ўз меъёрлари, фарзандлар ўртасидаги фарқ 3-4 йил бўлиши оила аъзоларининг саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эгалигини илмий жиҳатдан исботлаб бердилар.

Фарзандларни оила қуришга тайёрлаш ота-онанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун улар фарзандини ҳар йили тиббий кўрикдан ўтиш учун шифокорга олиб бориши, агар жисмоний ривожланишдан орқада қолиш белгилари бўлса, ўз вақтида соғломлаштириш чораларини кўриши, ҳар томонлама оила қуришга тайёр бўлгандагина никоҳ масаласини ҳал қилиши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда юртимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорига асосан ҳар бир никоҳланувчи шахс тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Ушбу қарор асосида улар тиббий кўрикдан ўтказиш марказига ФХДЁ бўлими



йўлланмасига асосан юборилади. Тиббий кўрик давлат ҳисобидан бепул ўтказилади ва ҳажми белгиланган Низом асосида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, яъни руҳий, сил, захм, гиёҳвандлик, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича амалга оширилади. Тўлиқ тиббий кўрик текшируви тиббиёт марказига мурожаат қилган кундан бошлаб 14 иш куни давомида ўтказилиши керак.

Бундан ташқари, соғлом оилани шакллантиришда фарзандлар туғилиши орасидаги керакли муддат сақланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Агар ушбу муддат сақланмаса аёлнинг саломатлигига хавф-хатар ортади, чунки унинг организми аввалги туғилишлардан кейинги қувватни тиклаб олишга улгурмайди. Бу эса табиий равишда бола саломатлигига ҳам салбий таъсир этади. Фарзандлар туғилиши оралиғини тўғри сақлашга контрацепция воситалари ёрдам беради. Булар: таблетка, инъекция, бачадон ичи воситалари, ихтиёрий жарроҳлик контрацепцияси ва табиий усуллар. Бу усулларнинг барчаси ишончли ва хавфсиз.

**Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаб бориш жамиятда ижтимоий ўзгаришлар рўй беришига олиб келади:**

- *оила ва жамиятнинг иқтисодий аҳволи яхшиланади;*
- *соғлом турмуш тарзи кўникмалари шаклланишига имкон туғилади;*
- *чаноқ органларининг яллиғланиш касалликлари ва бепуштлик ҳолларининг олди олинади.*

**Шундай экан ҳар бир ота-она оилада тиббий маданиятни оширишга, соғлом турмуш тарзини шакллатиришда фарзандлари тарбиясига жиддий эътибор бермоғи лозим.**

**Рустамали МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди.**

*Тиббиётимиз фидойилари*

# ШИФОКОРЛАР СУЛОЛАСИ

**Шавкат Раҳмонов ёшлигидан отаси Абдурафиқхон, амакилари Абдувоҳидхон, Назруллахон, тоғалари Эркинхон ва Искандархонлар каби шифокор бўлиш орзусида халқ саломатлиги йўлида фаолият юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.**



– Бунинг бошқа сабаби ҳам бор, – дея ўтган воқеаларни эслади суҳбатдошимиз. – Эсимни танибманки, отамнинг иккала буйракларида қум-тош борлиги туфайли, касалликлари тез-тез хуруж қилиб турарди. У кишининг тортган азоб-уқубатларига бир неча бор гувоҳ бўлиб, қўлимдан ҳеч нарса келмаганига ачинганман. Шундай оғир дамларда наҳотки бу касалликнинг олдини олиб бўлмаса ёки унга чалинганларнинг дардига даво топишнинг иложи йўқмикан, деб ўзимга савол берардим. Ёшим улғайгани сайин отамнинг дард билан азобланганлари менга тинчлик бермади, ҳаловатим йўқолди ва шифокор бўлишга аҳд қилдим...

Лавҳамиз қаҳрамони Шавкат Раҳмонов 1956-59 йилларда Чирчиқ шаҳридаги ўрта тиббиёт билим юртида ўқиб, дастлабки орзусига эришди. Фельдшер сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой шаҳри, Тошкент вилоятининг Тошкент (ҳозирги Зангиота) тумани, Тошкент шаҳридаги бир қатор тиббий муассасаларда ишлаб, амалий тажриба орттирди. Илмга чанқоқ Шавкатхон ўз билимларини янада ошириш, касбини пухтароқ эгаллаш мақсадида 1962-68 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)да таҳсил олди. Бўлғуси шифокор назарий билимлар олиш билан бир қаторда, тиббиёт муассасаларида тажрибасини бойитиш мақсадида амалий фаолият юритди.

Касбини ардоқлаган ва меҳр қўйган Шавкат Раҳмонов Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида ўз соҳасининг етук ва билимдонлари, таниқли олим, мураббийлар Шокир Алимов, Абдунаби Калонхўжаев, Мария Кривцова, Владимир Гинзбург, Раҳмат Аъзамов, Абдулла Убайдуллаевлар билан ёнма-ён ишлаб, тажриба орттира бошлади. Унинг илмий йўналишдаги изланишлари ўз самарасини бериб, 1982 йили тиббиёт фанлари номзоди бўлди.

Фидойи шифокор Шавкат Раҳмонов ташкилотчилик қобилияти ҳамда ташаббускорлиги билан Олмалиқ шаҳри, Тошкент вилояти сил касалликларига қарши касалхона бош шифокори, кейинчалик Республика флюорография маркази мудири, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги кўп тармоқли поликлиника қошидаги сил касаллигига қарши кураш бўлими флюорография хизмати етакчи мутахассиси лавозимида меҳнат қилиб, аҳоли саломатлигини сақлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Шунингдек, тажрибали мутахассис йиллар давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Бундан ташқари, 200 дан зиёд илмий, маърифий, оммабоп мақолалар ёзиб, эл-юрт назарига тушди. Устознинг меҳнатлари давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан муносиб тақдирланган. Айни пайтда табаррук етмиш ёшни қарши олаётган Шавкат Рафиқович ҳамон бардам, бақувват, жамоа ишларида фаол, оилада азиз.

Шавкат Раҳмонов оиласини фахр билан шифокорлар сулоласи десак, янглишмаймиз. Рафиқаси олий тоифали болалар шифокори Саидахон, ўғли тиббиёт фанлари номзоди Тальатхон, Ферузахон, Дилдорахон, Севинчхон исмли қиз-келинлари, неваралари Азизахон ва Василахонлар ота-оналари изидан бориб, халқимиз саломатлигини сақлашда астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар.

**Ҳа, Мустаҳкам оила йилида ҳам қалби эзгуликка тўла ана шундай оилалар кўпайишини, қолаверса, ёшлар улардан ибрат олишини тилаган ҳолда бу оилага тинчлик-тотувлик, хотиржамлик ёр бўлишини истаб қолдим.**

**Солиҳ ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

*Благодарность*

## СПАСИБО ЗА ЗАБОТУ И УЧАСТИЕ

Накануне Международного женского дня 8 марта нам от всей души хочется поблагодарить всех врачей, которые приходят к нам на помощь в трудные минуты жизни, помогая встать на ноги, зажить полноценной жизнью, ведь здоровье – это самый ценный дар, который дается человеку. Благодарим от всего сердца главного специалиста Горздрава Ф. Зиганщину, зав.отделением гастрологии НИИ реабилитации и терапии Э. Дусмухамедову, главного врача многопрофильной городской больницы № 5 Г. Кенжаеву, главного врача семейной поликлиники № 52 К. Шакирову, главного врача семейной поликлиники № 54 Н. Юнусову, начальника спец. отдела Минздрава М. Алимжанову и коллективы сотрудников, работающих с ними.

Также хочется поблагодарить коллектив редакции газеты «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» и заместителя редактора И. Соатову и пожелать им творческих успехов.

**Ю. ЧИРКУНОВ,**
**Е. ЯРЕШКО,**
**Н. МИТРАФАНОВ,**
**Б. БАЙКИН,**
**И. ЕФТЕЕВ,**
**И. ЛИСТОЙКИН,**
**М. ЗАКИРОВ.**
**г.Ташкент.**

*Обуна – 2012*

**Ҳурматли муштарийлар! «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2012 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.**

**Ҳурматли муштарийлар!**
**Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.**

*Конспект врача*

# ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

**(Окончание. Начало в предыдущих номерах).**

● Геморрагический (с переходом в язвенно-некротический) конъюктивит – наиболее раннее проявление заболевания.

● Выраженная общая симптоматика с нарастающей интоксикацией, вызванной потерей жидкости и белка через пораженные эрозированные поверхности, нарушением водно-солевого баланса, развитием инфекционных поражений (часто пневмоний, вторичного инфицирования кожи), кровотечением из ЖКТ вплоть до летального исхода.

● **Дифференциальный диагноз** проводят со стафилококковым синдромом обожженной кожи.

**ЛЕЧЕНИЕ**

**Тактика ведения**

● Больные подлежат обязательной госпитализации в реанимационное отделение или блок интенсивной терапии.

● Больных ведут как ожоговых (желательна ожоговая палатка) в максимально стерильных условиях, чтобы не допустить экзогенного инфицирования.

● Применяемые ЛС подлежат немедленной отмене.

**Лекарственная терапия**

● Местное лечение. * Пораженные участки кожи обрабатывают желе или кремом солкосерила, возможно применение краски Кастеллани. Вскрытие пузырей не рекомендована.* Тщательный туалет полости рта: полоскание перекисью водорода, 10% раствором соды. * Обработка пораженных слизистых оболочек половых органов. * Уход за слизистой оболочкой глаз: закладывание глазной гидрокортизоновой мази 3-4 раза в сутки.

● Системная терапия. * Глюкокортикоиды: предпочтительно внутривенно метилпреднизолон от 0,25-0,5 г/сут до 1 г/сут в наиболее тяжелых случаях в течение первых 5-7 дней с последующим снижением дозы. * Дезинтоксикационная и регидратационная терапия. * Антибактериальная терапия при присоединении вторичной инфекции.

**Прогноз** неблагоприятный при сверхостром течении, позднем начале активных терапевтических мероприятий, а также присоединении вторичной инфекции. Летальность может достигать 30-60%.

**Осложнения.**

● Слепота при глубоких поражениях конъюнктивы.

● Конъюнктивит и светобоязнь в течение нескольких месяцев.

**Синоним.** Токсический эпилермальный некролиз.

**См.также:** Эритема многоформная экссудативная.

**МКБ.**

● L51.2 Токсический эпидермальный некролиз (синдром Лайелла).

**СТАТУС АСТМАТИЧЕСКИЙ**

Астматический статус – затянувшийся приступ бронхиальной астмы, не купируемый обычными противоастматическими препаратами в течение суток.

**Отличительные признаки:** Нарастающая резистентность к бронхолитикам, сочетающаяся с проявлениями их побочных эффектов вследствие передозировки. Прогрессирующее затруднение от хождения мокроты.

**Стадии:**

● Относительная компенсация. * Нарастание одышки, резистентной к приему бронхолитиков. * Уменьшение количества отделяемой мокроты. * Проведение дыхания по всем отделам легких. * ОФВ1 снижен до 30% от должной величины. * Гипокапния на фоне гипервентиляции.

● Декомпенсация. * Отличительный признак – появление зон немого легкого, совпадающее по времени с развитием гиперкапнии и дыхательного ацидоза.

● Гипоксемическая гиперкапническая кома. * Церебральные расстройства * Артериальная гипотензия. * Коллапс.

**ЛЕЧЕНИЕ**

● Обязательная госпитализация.

● Оксигенотерапия под контролем газов артериальной крови.

● Глюкокортикоиды парентерально (например, гидрокортизон 600-1200 мг/сут или метилпреднизолон 1-2 мг/кг).

● Эуфиллин 3-6 мг/кг до 2 г/сут внутривенно.

● В адреномиметики через небулайзер (при частоте сердечных сокращений менее 120 в мин возможно введение адреналина или тербулина подкожно).

● ИВЛ (при необходимости).

**См. также:** Астма бронхиальная.

**МКБ.**

● J46. Астматический статус.

**ЭРИТЕМА МНОГОФОРМНАЯ ЭКССУДАТИВНАЯ**

Многоформная экссудативная эритема – остро развивающееся заболевание, характеризующееся появлением эритематозных пятен, буллезным поражением кожи, слизистых оболочек, циклическим рецидивирующим течением.

Частота – 0,3-0,5:100 000 населения/год, тяжелые формы отмечают в 2-3 раза чаще у мужчин.

**Классификация:**

● Инфекционно-аллергическая (идиопатическая) форма связана с гиперреактивностью к аллергенам и инфекционным агентам.

● Токсико-аллергическая (симптоматическая) форма связана с гиперчувствительностью к ЛС.

● Экссудативная злокачественная форма (синдром Стивенса-Джонсона).

● Ревматическая эритема – округлые или дугообразные очаги эритемы на туловище и конечностях, наблюдаемые иногда при ревматической атаке.

**Клиническая картина:**

● Местные симптомы. * На коже разгибательных поверхностей предплечий, голеней, тыла кистей и стоп, лице, половых органах, на слизистых оболочках остро возникают симметричные высыпания. Появляются отечные, четко отграниченные, уплощенные папулы розово-красного цвета округлой формы, диаметром от нескольких миллиметров до 2-5 см, имеющие 2 зоны: внутреннюю (серовато-синюшного цвета, иногда с пузырем в центре, наполненным серозным или геморрагическим содержимым) и наружную (красного цвета (кокардообразные высыпания). * На губах, щеках, небе возникают разлитая эритема, пузыри, эрозивные участки, покрытые желтовато-серым налетом.

● Общие симптомы. Жжение и зуд в области высыпаний, болезненность и гиперемия слизистых оболочек, прежде всего рта и половых органов. * Лихорадка. * Головная боль и боль в суставах.

● Наиболее тяжелое проявление – синдром Стивенса-Джонсона. * Крупные пузыри на коже и слизистых оболочках, после их вскрытия образуются сплошные кровоточащие болезненные очаги. Губы и десны красные, опухшие, с кровянистыми корками. * При поражении глаз наблюдаются блефароконъюнктивит, иридоциклит, потеря зрения. * В процесс могут вовлекаться внутренние органы. * Нередко высыпания появляются на половых органах.

● При токсико-аллергической форме, в отличие от идиопатической, нет сезонности рецидивов высыпаний.

**Методы исследования:**

● Проводят лабораторные исследования для исключения сифилиса – серологические реакции, исследования на бледную трепонему.

● Симптомы Никольского, Асбо-Хансена отрицательны, в мазках-отпечатках нет акантолитических клеток.

● При гистопатологическом исследовании в эпидермисе отмечают внутри-и-межклеточный отек, гидропическую дегенерацию базальных клеток, в дерме – отек сосочкового слоя, периваскулярные инфильтраты.

**Дифференциальный диагноз:**

● Ветряная оспа «Буллезный пемфигоид».

● Герпетиформный дерматит Дюринга.

● Опоясывающий герпес.

● Сифилитические папулезные высыпания.

**Лекарственная терапия:**

● При легком течении – антигистаминные и десенсибилизирующие средства.

● При пузырях и эрозиях на коже – мази с глюкокортикоидами и антибиотиками (например, гиоксизон).

● При поражении слизистой оболочки рта – теплые полоскания 10% раствором натрия гидрокарбоната, местными анестетиками (2% лидокаин), а также глюкокортикоидами: эликсир дексаметазона (0,5 мг на 5 мл воды) 4 раза в сутки с последующим проглатыванием. В более тяжелых случаях и при распространенных буллезных формах – антибиотики (внутрь или парентерально), глюкокортикоиды (например, преднизолон 1-2 мг/кг/сут. с последующим снижением дозы), ингибиторы протеолитических ферментов (трасилол). При синдроме Стивенса-Джонсона показаны дезинтоксикационные средства (полиглюкин).

**Прогноз.** Исход заболевания в неосложненных случаях благоприятный. При синдроме Стивенса-Джонсона летальность – 5-10 %.

**Синоним.** Мультиформная эритема.

**Синдром Стивенса-Джонсона.** Тяжело протекающая буллезная форма многоформной экссудативной эритемы, захватывающая обширные участки кожи и различных слизистых оболочек (конъюктивит, стоматит, уретрит и т.д.) эритема экссудативная злокачественная.

**МКБ.**

● L51 Эритема многоформная.

**А. НАЗАРОВ,**
**д.м.н., профессор, директор Республиканского научно-специализированного аллергологического центра.**

*Саломатлик ҳафталиги*

# ПОЙТАХТЛИК ШИФОКОРЛАР ВИЛОЯТИМИЗДА

***Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказишда мунтазам равишда ўтказилаётган соғломлаштириш ҳафталикларининг аҳамияти катта бўлмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармойиши ҳамда Наманган вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси буйруғига асосан, шу йилнинг 20-25 февраль кунлари Поп, Наманган, Чортоқ туманларида «Фертил ёшидаги аёллар, болалар ҳамда ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» бўлиб ўтди. Гуруҳ раҳбари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази акушер-гинекологи З. Зуфарова, марказ жарроҳи А. Шокиров, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиника шифокори Н. Садиваққосова, Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Н. Файзуллаева, Тошкент шаҳридаги 5-сонли туғруқ мажмуаси акушер-гинекологи Г. Одиловалар ҳар бир туманда бўлиб, тиббий кўрикнинг юқори савияда ўтишини таъминлашди. Биз Наманган туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Хонобод-1» қишлоқ врачлик пунктида бўлиб, ҳафталик жараёнини кузатиб, шифокор ва фуқаролар билан суҳбатда бўлдик.

– Мен республикамизнинг турли вилоятларида хизмат сафарида бўлдим, – дейди Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори Наргиза Файзуллаева. – Барча жойда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам тиббий ислоҳотлар ижросига гувоҳман. Вилоятда оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аҳоли ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ишларига жиддий эътибор қаратилаётганидан хурсанд бўлдик. Бугун тумандаги туғиш ёшидаги аёллар, болалар, ўсмир қизлар саломатлигини текшириб, уларга кераkли тавсия ва маслаҳатлар бераяпмиз.

Шифокорлар қабулидан чиқаётган оналар Насибахон Йўлдошева қизи Одина, Насиба Қутбиддинова ўғли Ёқубжоннинг соғ-саломат улғаяётганидан мамнун бўлиб, шифокор-мутахассисларга миннатдорчилик билдиришди.

– Эгизак фарзандларим Ҳасанбой ва Зуҳрахонлар икки ёшга тўлди. Бугун уларнинг саломатлигини текширтирдим. Фарзандларим соғлом экан. Биз учун совуқ кунларда болалар билан туман марказига ёки Наманган шаҳрига бориш осон эмасди. Бугунги кўрик, айниқса, барча тиббий муолажаларнинг бепуллиги бизни хурсанд қилди. Давлатимизга раҳмат, – деди яна бир суҳбатдошимиз Муқаддам Салоҳиддинова.

Шунингдек, ҚВП педиатри Матлуба Абдураҳимова аёллар маслаҳатхонасида хотин-қизларда камқонлик, йод етишмаслиги ва бошқа экстрагенитал хасталикларнинг олдини олишга доир тавсиялар берилаётганини алоҳида таъкидлади. Туман тиббиёт бирлашмаси УТТ мутахассиси Муҳаммаджон Дарвишев, акушер-гинеколог Гулноза Жўраева, таҳлилхона лаборанти Ҳожира Раҳимова, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори Ҳафиз Убайдуллаев, вилоят ДСЭНМ иммунологи Умида Эшонхўжаева ва бошқалар ҳафталикни муваффақиятли якунлаш учун бор билим, тажриба ва касбий маҳоратларини ишга солдилар.

– Қишлоқ врачлик пунктимизда 5 нафар врач, 12 нафар ўрта тиббиёт ходими 6751 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Уларнинг 1566 нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 481 нафарини ўсмирлар ташкил этади, – деди ҚВП мудири Олимжон Убайдуллаев. – Ҳафталиккача ходимларимиз билан аҳоли ўртасида тиббий кўрикнинг аҳамияти ва афзалликлари бўйича тушунтириш ишларини олиб бордик. Шу боис, соғломлаштириш тадбири уюшқоқлик билан ўтмоқда.

«Соғломлаштириш ҳафталиги» туманнинг Шербулоқ, Кайковус, Бодомзор, Миришкор ва Поп, Чортоқ туманларининг Санг, Хўжаобод, Исковот, Халқобод, Олтинкон, Созсой, Алихон, «Янги маҳалла», «Ўзбекистон» ҚВПларида ҳам муваффақиятли якунланди.

**Рустамали МАМАДАЛИЕВ.**

# Гўзал аёл – сўз қувончи, яхши аёл – қалб қувончи, уларнинг биринчиси ноёб бир нарса бўлса, иккинчиси – топилмас хазина.



## ОНАЛАР НОМИДАН СЎЗЛАЙДИ АЁЛ



*Атрофда парвона ўғил-қизлари,*
*Кумуш осмонининг ой-юлдузлари.*
*Субҳи тонг дуога очиб қўлларин,*
*Фарзандлар камолин тилайди, Аёл.*

*Тун чодрасин ёйган, аҳли мавжудот,*
*Осуда тин олар, ёлғиз у бедор.*
*Мудроқ вужуди-ла танҳо бешикмас,*
*Дунёни тебратиб, куйлайди, Аёл.*

*Жонин фидо айлар оиласин деб,*
*Садқадир бир эмас, ҳатто қирқ жони.*
*Чидайди асрабон сўнгги имконни,*
*Рўзғорин тинчи деб яшайди, Аёл.*

*Саховат чашмаси нурли қуёшдан,*
*Фикру имкон бергани, сабру бардошдан.*
*Одам Ато насли кекса-ю, ёшдан,*
*Нигоҳ-ла ўз қадрин сўрайди, Аёл.*

*Аёлга эрк, ҳуқуқ, заминга тинчлик,*
*Миллатга осуда, бахтли истиқлол.*
*Мағрур ҳайқириқ-ла, қутлуғ минбардан,*
*Оналар номидан сўзлайди, Аёл.*



**Бовабой ЧАҚҚОНОВ.**
**Самарқанд вилояти.**



**Қалбимизга баҳорий кайфият бахш этиб келаётган 8-март – Халқаро хотин-қизлар куни билан азиз аёлларимиз ва дилбар опа-сингилларимизни самимий қутлаб, уларга қор каби оппоқ, баҳор гулидек нафис, ёз саратонидек қайноқ ва куз тонгидек мусаффо туйғуларни тилаб, куйидаги шеърий саҳифамизни совға сифатида тақдим этамиз.**

## АЁЛЛАРНИ АСРАНГ!

Аёлни эъзозланг, аёлни асранг,
Аёлдир қалбларнинг нозик эгаси,
Аёлни эъзозланг, аёлни асранг,
Аёл кўнглингизнинг нозли эркаси.

Аёл бор хонадон шодон, чароғон,
Аёллар бор экан, йўллар нурафшон.
Аёлни эркаланг, суйинг минг бора,
Меҳр-муҳаббатга қилманг мубтало.

Аёлни эъзозланг, аёлни асранг,
Аёл севикли ёр, опа ё сингил.
Жажжи қизингизни суйинг, эркаланг,
Меҳрибон оийнгиз пойини ўпинг.

Нима бўлса бўлсин, аёллар кулсин,
Аёл йиғламасин қалби синмасин.

*Сизни севувчи ҳам – аёлдир асли,*
*Аёлга аталган қасрлар қасри.*

*Сизни юпатади эркалаб, суйиб,*
*Ишга кузатади саҳарда туриб.*
*Меҳрин аямайди сиздан у асло,*
*Аёлни эъзозланг, аёлни асранг,*

*Аёл севикли ёр, меҳрибон она.*
*Дунёни тебратар аёл алласи,*
*Қалбларни эритар меҳригиёси.*
*Омад сари чорлар она дуоси,*

*Сизга мадад аёлларнинг барча-барчаси.*
*Аёлларни асранг, асранг эркаклар,*

**Фазилат ХАЛИҚУЛОВА,**
**Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази ўқитувчиси.**

## БИЛАСИЗМИ, СИЗЛАРНИ НЕГА КЎРГИМ КЕЛАДИ...



*Биласизми, Сизларни кўргим келади,*
*Сизлар билан суҳбатлашиб юргим келади.*
*Ҳар бирингизга даста гул тутиб,*
*Байрам билан қутлаб қўйгим келади.*

*Менинг учун қадрдонсиз, биласизларми,*
*Қалб қўримда ўрнингиз бор, сезасизларми.*
*Шу боисдан доим Сизни кўргим келади,*
*Байрамдаги қутловимни оласизларми.*

*Яна кўп вақт, ойу йиллар ўтиб ҳам кетар,*
*Ёдингизда номим балки ўчиб ҳам кетар.*
*Ўшанда ҳам азизларим, билиб қўйинглар,*
*Қалбгинамда изларингиз қолиб-ла кетар.*

*Биласизми, Сизларни нега кўргим келади,*
*Сизлар билан суҳбатлашиб юргим келади.*
*Ҳар бирингизга даста гул тутиб,*
*Байрам билан қутлаб қўйгим келади.*

**Абдуҳаким САРИМСОҚОВ,**
**Республика ДСЭНМ мутахассиси.**

## Объявление

В Республиканском специализированном центре кардиологии совместно с ТашИУВ проводятся платные курсы повышения квалификации кардиологов по циклам: «Клиническая ЭХО-кардиография», «Неотложная кардиология», «Основы функциональной диагностики в кардиологии». Продолжительность курсов – 1 месяц (144 академических часов), которые учитываются при аттестации. Занятия проводятся профессорами и старшими научными сотрудниками на базе РСЦК. В конце учебы выдается сертификат установленного образца.

**Заявки на обучения принимаются по телефону: (8-371) 268-94-94. Х. ТАШПУЛАТОВ.**

**Газетанинг навбатдаги сони 16 март куни чиқади.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 10873 нусха.
Буюртма Г-345.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.